


# СУВ ОМБОРЛАРИДА СУВ МУҲОФАЗАСИ ФАОЛИЯТИ

Марузачи:

Сув омбори ва унинг атрофидаги ҳудудларда ўзига хос назорат қилувчи ва чекловчи сув муҳофазаси тадбирлари белгиланади. Ушбу тадбирлар орасида сув омборининг сув муҳофазаси зонасини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у сув омбори атрофидаги ҳудудда хўжалик фаолиятини юритиш тартиб-қоидаларини белгилаб беради.

# Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси



## **Сув омборининг сув муҳофазаси зонасини белгилаш ва уларда олиб бориладиги хўжалик фаолиятлари, чекловлар**

Сув омборининг сув муҳофазаси зонасини белгилаш ва уларда олиб бориладиги хўжалик фаолиятлари, чекловлар Вазирлар Маҳкамаси 07.04.1992 йилдаги 174-сонли қарорига асосан амалга оширилади.

Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси унинг акваториясига туташиб кетувчи ҳудуд бўлиб, унда сув ресурслари муҳофазаси, оқиб келувчи сув манбалари, сув омбори ва оқиб чиқувчи каналлар ўзанларини бузилишдан саклашга йўналтирилган тадбирлар ўз ичига олади.

Сув муҳофазаси зонасида ҳудуд санитария ҳолатини зарур даражада саклаш, сув омбори сувининг ифлосланиши ҳамда ўзанини тупроқ эрозияси қолдиқлари билан тўлишини олдини олиш мақсадида маҳсус тартибда ўрнатилади.

**Сув муҳофазаси зоналарининг кенглиги сув омбори ҳавзасининг вазифасидан, унга туташ ерларнинг характеристикиси ва улардан хўжалик фаолиятида фойдаланишдан, жойнинг рельефидан келиб чиқган ҳолда белгиланади:**

- ❖ катта сув омборлари атрофида (сигими 1,1 дан 10 куб километргача бўлган) - 300-500 метр;
- ❖ ўртacha сув омборлари атрофида (сигими 0,5 дан 1 куб километргача бўлган) - 200-300 метр;
- ❖ кичик сув омборлари атрофида (сигими 0,2 дан 0,5 куб километргача бўлган) - 100-200 метр;
- ❖ жуда кичик сув омборлари атрофида (сигими 0, 1 куб километрдан кам бўлган) 100 метргача.

## Сув омбори сув муҳофазаси зонасини белгилашда қуидагиларга этибор қаратилади:

- ✓ келгуси 50 йил ичидә қайта шаклланиши кутиладиган қирғоқлар зонаси (янги қурилиш қилиш чегараланадиган зона);
- ✓ сув омборига бевосита туташиб кетувчи сойлик, жарлик, қирғоқ бўйи қияликлари ва нишаблиги 5 градусдан юқори бўлган нураган ерларни ўз ичига оловчига эрозион фаол зоналар ва тупроғи силжишга мойил участкалар;
- ✓ сув омбори сувга тўлган вақтда вақтинча сув остида қоладиган ҳудудлар;
- ✓ ер ости сувлари доимий юқори бўлган ҳудудлар;
- ✓ сув омборнинг қирғоқларига экилган ихота дараҳтлари.

## Сув муҳофазаси зонасида руҳсат этиладиган хўжалик фаолиятлари

- ✓ тупроқ эрозиясини камайтирувчи агротехник тадбирлар;
- ✓ органик ва минерал ўғитларни фақат руҳсат этилган меъёрларда кўллаш;
- ✓ ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларидан, алоҳида вазиятларда тез парчаланувчан кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ✓ чорва молларини (қорамол, йилқи, қўй, эчки ва бошқалар) боқишда белгиланган меъёрларга қаттий амал қилиш;
- ✓ суғориш ва зах қочириш тармоқларини фақат ёпиқ ҳолда қуриладиганларидан фойдаланиш каби чекловларга риоя қилиш.

## Сув мухофаза зонасидаги чекловлар

- ✓ ўсимлик зааркундалари ва касалликлариға, бегона ўтларга қарши ишлатиладиган заҳарли дориларнинг ҳар қандай турларини қўллаш ва кўмиш;
- ✓ заҳарли дорилар, пестициidlар, гербициidlар ва минерал ўғитлар сақланадиган омборлар, аппаратларни заҳарли дорилар билан тўлдирадиган майдончалар;
- ✓ чиқит сувларни (канализация) тозалаш иншоотлари ва чиқит сувларни тўпловчи турли хил ҳовузларни жойлаштириш;
- ✓ чорвачилик комплекслари ва фермаларини, паррандачилик фабрикаларини жойлаштириш;
- ✓ ўлган ҳайвонлар ва паррандалар кўмиладиган, турли ахлатлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, шу жумладан кимёвий ва радиоактив моддалар ташланадиган майдончаларни юзага келтириш;
- ✓ ёнилғи-мойлаш материалларини қўйиш нуқталари, автотранспорт, тракторлар ва бошқа техник воситаларни тўплаш, таъмирлаш, ювиш ва техник қаровдан ўтказиш жойларини ташкил қилиш;
- ✓ саноат корхоналари ва майший- хўжалик объектларининг тозаланмаган чиқит сувларини ташлаш;
- ✓ сув омбори атрофидаги ҳудудларда, айниқса жарлик ва ботқоқ жойларда чорва моллари ва подаларни меъёрдан ортиқ миқдорларда боқиши;
- ✓ дарахtlар ва буталарни, ўрмонзорларни соғломлаштириш учун санитар қаровдан бошқа ҳар қандай ҳолларда кесиш.

# **Сув омборининг қирғоқ бўйи минтақаси**

Сув омборлари қирғоқ бўйи минтақасининг сув омбори ҳавзасига туташиб кетувчи ерлар (шудгор, пичанзор ва бошқалар) нинг турига ва сув ҳавзасининг сифимини ҳисобга олган ҳолда қияликларнинг тикилигига боғлик равища белгиланади.

Қирғоқ бўйи минтақаси таркибиغا сув омбори қирғоғидаги пляжлар, қирғоқ камарлари, тупроқ силжиши юз бериши мумкин бўлган ҳудудлар, тошлоклар ва қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар киритилади.

Қирғоқ бўйи минтақасининг энг тор ҳудудининг кенглиги сув омбори ёнбағирларининг ўзига хос шароитларидан келиб чиқиб 35 дан 100 метргача оралиқда белгиланади.